



# Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2021 йил  
13 февраль  
шанба  
№ 21  
(4461)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

## Яхшилик

Ким кўрбатур, эй кўнул, аҳм таҳондин яхшилик,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик.

Бу замонни нафъи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,  
Кўрмадим ҳариз, нетайин, бу замондин яхшилик.

Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнлулма,  
Келмади жонимга ҳеч оромни жондин яхшилик.

Эй кўнул, чун яхшидин кўрдун ёмонлик асру кўн,  
Эмди кўз тутмоқ не, эъни ҳар ёмондин яхшилик.

Бори эма яхшилик қилмади, мундин яхши йўқ  
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Яхшилик аҳм таҳонда истама Бобур киди,  
Ким кўрбатур, эй кўнул, аҳм таҳондин яхшилик.

Хоразм  
вилояти

Ички туризм

ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ҲОМИЙЛИГИДА  
ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ  
САЁҲАТ ҚИЛМОҚДА



### «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДА ҚАЙД ЭТИЛГАЧ...

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, опа-сингилларимизнинг ҳаётини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида тарихий шаҳарларга уюштирилаётган саёҳатлар барчага бирдек манзур бўлаётир.

Жиззахлик бир гуруҳ хотин-қизлар Хоразм вилоятига ташриф буюриб, қадимий ва бетақдор Хива, мафтункор Улли Ҳовли ва янгиланаётган Урганчи томоша қилишди.

«Хоразм палас» меҳмонхонасида меҳ-

монлар учун бир пиёла чой устида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Хоразм вилояти ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Курбонбоева, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова ва бошқалар меҳмонларга вилоятнинг ўзига хос анъаналари хусусида сўзлаб берди.

Жиззахлик аёллар ушбу саёҳат хотираларига бир умрга муҳрланганини мамнунлик билан эътироф этишди.

Муҳаббат ТЎРАБООЕВА,  
«ISHONCH»

Тошкент  
вилояти

Тадбир

## ЭЗГУ ҒОЯЛАР — БАРҲАЁТ

«Оқ тош» санаторийсида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ташкил қилинди.

Курортлар бошқармаси мутахассиси Маҳмуда Мурзаева ёшлар камолотида халқимизнинг ўлмас маънавий мероси, бетақдор маданияти ва санъати муҳим аҳамиятга эгалиги, бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди ва умрбоқий асарларининг таъсири беқиёслиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда шоирнинг ғазал-

лари, рубоий ва маснавийларидан намуналар ўқилди.

Хонанда Ғолиб Мирзонинг Бобур ғазали билан айtilган кўшиқлари ва у раҳбарлик қилаётган ўзбек-миллий чолғу дастаси томонидан ижро этилган дилтортар оҳанглар тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА,  
«ISHONCH»



Тошкент  
шаҳри

## Улуғ аждодларга ЭҲТИРОМ

Сергели туманидаги 598-мактабгача таълим муассасида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тажрибали педагог, боғча мудириси Гўзал Улжабоева ва маҳоратли тарбиячи Ҳадича Худойназарова ташкил этган тадбир ақлий ўйинлар, топқирлик, топишмоқлар, мушоира, баҳр-у байт, тез айтиш, муסיқий баҳслар ҳамда хотирани мустаҳкамлаш услубида ўтказилиб, болажонларнинг фаол

иштирок этишига эришилди. Ушбу тадбирларда томошабин сифатида қатнашган ота-оналар байрам ва ҳар хил саналар муносабати билан болалар боп бундай анжуманларни мунтазам ўтказиб бориш мақсада мувофиқ эканини таъкидлашди.

Абду РАҲМОНОВ



Жиззах  
вилояти

## Самимият ва очиқлик билан

Жиззах шаҳридаги 10-мактабда «Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш» мавзусида Президентимиз Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиз тараққиёти учун концептуал аҳа-

миятга эга бўлган мазкур Мурожаатномани ўрганиш ва унда белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари ходимларининг доимий эътиборида бўлиши алоҳида таъкидлади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,  
«ISHONCH»



Тошкент  
шаҳри

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мутахассислари 221 нафар ишчи ва хизматчиларни бирлаштирган «Ўзархив» агентлиги бошланғич касба уюшма ташкилоти фаолиятини ўрганиб, қўмита аъзоларига ишларни янада яхшилаш бўйича тавсия ва маслаҳатлар берди.

Ўрганиш

### Бошланғичларга амалий кўмак

Бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишдан кўзланган асосий мақсад ходимлар манфаатларини таъминлашда касба уюшмаларининг ролини янада оширишдир, — дейди Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Ташкилий ишлар» бўлими мудир Алишер Исломов. — Қолаверса, бу меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини таъминлаш, тизим фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйиш орқали ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш, иш самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассислар касба уюшма қўмитаси аъзоларига жамоа шартномаларини тузиш, шартнома шартлари ижросини таъминлаш ва таъсирчанлигини ошириш борасида касба уюшма органлари вазифалари ҳамда меҳнат қонунчилиги борасида батафсил маълумот беришди.

Амалий ёрдам асоси бирлашма томонидан «Ўзархив» агентлиги бошланғич касба уюшма ташкилотига фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун янги компьютер жамланмаси тақдим қилинадиган бўлди.

Аъзам АБУЛҒАЙИДОВ,  
«ISHONCH»

Самарқанд  
вилояти Соғлом турмуш тарғиботи



## ҲАР КУНИ БЕШ МИНГ ҚАДАМ бу доимий одатга айланишти

Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари пиёда юриш машғулотирига саёҳат, зиёрат, саломатлик ва кайфият руҳиятини сингдирмоқда. Жисмонан чиниқиш кўҳна шаҳардаги мўътабар масканлар, тарихий қадамжолар ташрифига уйғунлаштирилмоқда.

— Турмуш тарзимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётган 5 минг қадам пиёда юриш одатини мазмунан бойитишга интиляпмиз, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Феруза Қиличева. — Ҳар чоршанба куни эрталаб соат 6:00 дан 8:00 га қадар оммавий равишда эътироф этилган манзиллардан юриш бошлаймиз.

Ҳафтанинг шанба куни Алишер Навоий номли истироҳат боғи, чоршанба куни ишдан сўнг «Локоматив» спорт

комплексидида касба уюшмаларининг оммавий спорт тадбирлари ташкил этилаётир.

Бу галги субҳидамни жамоат ташкилоти вакиллари Мирзо Улуғбек расадхонасига туташ майдонда қаршилашди. Юриш «Афросиёб» музейи Хўжа Дониёр зиёратгоҳи, Ҳазрати Ҳизр мажмуаси, Бибиҳоним масжиди ва мақбараси, Регистон майдонидаги Шердор, Тилла-кори, Улуғбек мадрасалари, Амир Темура мақбаралари зиёратидан сўнг Соҳибқирон ҳайкали майдонида аяқланди. Босиб ўтилган 8200 қадам танага чарчоқ эмас, қувват бахш этгани эътироф этилди.


— Ишга кушдек энгил тортиб келдик, — дейди Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Шарқия Боқиева. — Бирлашма ташаббуси билан ташкил этилаётган пиёда юриш тадбирлари руҳиятга ҳам, кайфиятга ҳам, саломатликка ҳам катта фойда бермоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



Умр дерлар бунин...



135 Ёшли Тўти Момо  
ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОВИГА НЕГА КИРМАГАН ЭДИ



ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИНING  
ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА  
ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН,  
ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ  
ЮРИТАДИГАН

1092 —

қисқа  
рақамли  
«ИШОНЧ»  
ТЕЛЕФОНИ —  
«Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!

Фарғона вилояти



«Ўз юртимда меҳнат қиламан»

Президентимизнинг «Хар бир ёшга – бир гектар» ташаббуси доирасида мунгли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Данғара туманида «Ёшлар дафтари»га киритилган 27 нафар ишсиз ёшга 5,5 гектар экин майдони ажратиб берилди. Ўғлим шу пайтгача Россияга бориб ишлаб келар эди, – дейди Латофатхон Йўлдошева. – Давлатимиз раҳбарининг

Ташаббус ва ижро

ёшларга бўлган ғамхўрлиги туфайли фарзандимга 25 сотих экин майдони ажратиб берилди. Энди ўғлим ўзга юрларда эмас, она юртида меҳнат қилиш имконига эга бўлди.

Дурустроқ иш топа олмай қийналиб юрган, «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турувчи Саъдулла Турғуновга ҳам 25 сотих ер ажратиб берилди. У бу ғамхўрликдан миннатдор. Билдирилган ишончини оқлаш учун ернинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиб, деҳқончилик қилиш ниятида.

Муҳими, ажратилган ерга қайси экинни экиш ёшларнинг ихтиёрида. Уларга мутахассислар йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Бундай амалий ёрдам деҳқончиликка бел бошлаган ёшлар учун ҳар томонлама қўл келиши, шубҳасиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»

Навоий вилояти

Корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган замондошларимиз ўз ҳуқуқларини касаба уюшмалари орқали ҳимоя қилишлари учун мустақкам пойдевор яратилган. Буни касаба уюшмаси ташкилотларига келиб тушаётган ариза ва шикоятлар мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ноҳақликнинг умри узоқ эмас

Хусусан, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилган Азиза Сатторов ва Қизилтепа тумани санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази 2020 йилнинг 10 ноябрида уни қонунларга зид равишда ишдан бўшатганини билдириб, ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклашда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Масала батафсил ўрганилиб, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Мазкур масала судда кўрилгач, 2021 йил 21 январда ҳал қилув қарори чиқарилди. Унга кўра, иш берувчи мавжуд қонунларга хилоф равишда иш юритганини аниқлаб, ҳодим ўз ишига тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан ҳодим фойдасига 10 612 284 сўм миқдоридagi иш ҳақи ҳамда 4 514 000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

АТ «Алоқа банк» Навоий вилояти филиали ҳодими Шаҳзода Жўраевнинг аризасини ўрганиш жараёнида ҳам шунга ўхшаш ҳолат аниқланди. Шаҳзода Жўраева мурожаатида 2020 йилнинг 14 декабрида тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан асоссиз бекор қилинганини баён қилган. Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан мазкур масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Мазкур судда Жўраевани ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, унга мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳамда етказилган маънавий зарарни тўлаб бериши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди. Натижада мурожаатчи аввалги вазифасига тикланиб, унга иш берувчидан мажбурий бекор юрган кунлари учун 5 551 369 сўм иш ҳақи ҳамда 4 600 000 сўм етказилган маънавий зарар қопланди.

Тўлқин Аблаев Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Навоий вилояти бошқармасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида ишлаб келган. Лекин корхона мутасаддилари унинг кўп йиллик меҳнат ва малакасини инобатга олмасдан, меҳнат шартномасини қонун талабларига зид равишда бекор қилган. Тўлқин Аблаевнинг касаба уюшмасига мурожаати ҳам ҳолисона ўрганилди. Уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаш ва маънавий зарар ундириш лозимлиги тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига тақдимнома киритилди. Натижада, Тўлқин Аблаевнинг ҳуқуқи тикланиб, унга 9 463 258 сўм иш ҳақи ва 4 800 000 сўм миқдоридa маънавий зарар ундирилди.

Завриддин ҲАЛИМОВ, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи юристконсулти

Қашқадарё вилояти

Саришталик жонкуярларининг кўнгли ҳам ободми?

Китоб тумани ободонлаштириш бошқармасида 387 нафар ходим меҳнат қилади. Бири қоровул, бири тозаловчи, дезинфекциячи, яна боғбон, гулчи, супурувчи... Барчасининг юмуши ўзига яраша машаққатли, шу билан бирга, савобли.



рўзгорга етмаётган эди. Февраль ойида «Офтобруя» қабристонига қоровул бўлиб ишга кирдим. Энди рўзгорга ҳисса қўшиш имконига эгаман.

Касаба уюшма етакчиси Самандар Абдуқодировнинг айтишича, бошқарма ходимлари туман ва вилоят спартакиадаларида фаол иштирок этиб келишаётир.

Етакчидан бошқарманинг спорт майдончаси, кутубхонаси бор-йўқлиги ҳақида сўрадик.

– Спорт майдончамиз ёки залимиз йўқ, Мусобақалар ўтказмоқчи бўлсак, сунъий майдонлардан фойдаланамиз, – дейди у. – Ходимларимиз орасида стол теннисига қизиқувчилар кўп. Аммо стол теннисини жойлаштириш учун хонамиз йўқ. Гарчи ходимлар бўш вақтида му-

толаа қилиши учун китоблар сотиб олишга бошқармада маблағи етарли бўлса-да, кутубхона учун жой муаммоси мавжуд...

Етакчининг жон қуйдириб сўзлашадан маълум бўладики, ободлик жонкуярларининг кўнглиларини обод этиш масъулларнинг ёдидан кўтарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан китобхонликка алоҳида этибор қаратилмоқда. Яна соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳам... Фақат мутасаддиларда озгина ҳафсала ва эътибор бўлса бас.

Ўйлаيمизки, буни Китоб тумани ҳокимлиги ва ободонлаштириш бошқармаси масъуллари ўйлаб кўришади...

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Муаммо ва ечим

Бошқармада 2020-2022 йилларга мўлжаллаб тузилган жаммо шартномаси – амалда. Мазкур ҳужжатга кўра, иш берувчи Абдухами Хамидов ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси Самандар Абдуқодиров ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroитлари яратишга ҳаракат қилаётир. Хусусан, ходимлар махсус кийим-бош ҳамда пойабзал билан таъминланди. Махсус автобус ишчилар хизматида. Бошқарма ошхонасида ходимларга бепул тушлик берилди. Фаолият кўрсатганлар рағбатлантирилади. 2020 йил якунида 25 нафар ходимга эсдалик совғалари топширилди. Пенсияга чиқаятган 19 нафар ишчига эҳтиром кўрсатилди. Жорий йилда 10 нафар йиғит-қиз ишга олинди.

– Оилам, бир нафар фарзандим бор, – дейди янги ишга кирган Азамат Азизбоев. – Дадам ногирон. У кишининг ногиронлик нафақаси

Мавзуга доир маълумот. Тошкент шаҳрида 13 та бозор бўлиб, уларда тахминан 3200 та тарозидан фойдаланилади. Тарозиларнинг 1240 таси бозорлар маъмуриятига тегишли бўлса, қолган 1960 таси тадбиркорларнинг ўзиники.

ТАРОЗИНГИЗ ТЎҒРИМИ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аслида тадбиркорлар бозорда ўзларининг шахсий ўлчов асбобларидан фойдаланмаслиги керак.

Аммо бозор етарлича ўлчов воситалари билан таъминланмагани боис, сотувчи ва тадбиркорлар ўз шахсий тарозиларидан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳам майли. Аммо, асосий масала шундаки, харид жараёнида фойдаланилаётган ўлчов воситаси – тарозиларнинг қай даражада тўғри ишлаётгани назорат қилинадими? Агар назорат қилинаётган бўлса, бугун улар қай аҳволда?

– «Метрология тўғрисида»ги қонунга асосан бозорларда фойдаланишда бўлган мавжуд ўлчов асбоблари бир йилда бир марта қиёсов кўригидан ўтказилиши белгиланган, – дейди Ўзбекистон миллий метрология институти давлат корхонасининг масса ўлчаш бўлими бошлиғи Суннат Мўминхўжаев. – Бунда тарози паллаларига намуна тошлар қўйилиб, уларнинг қанчалик тўғрилиги ва аниқлиги текширилади. Одатда намуна тошга нисбатан +, -15 граммгача фарқ қилган тарозилар «фойдаланишга яроқли»



деб топилса, синган, бузилган ва +, -15 граммдан кўп фарқ қилган тарозилардан фойдаланишга рухсат берилмайди. Бузилган тарозилар тузатишга, синганлари эса истемволдан чиқаришга тавсия қилинади. Маълум бўлишича, пойтахтимиздаги бозорларда сўнги бор 2020 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўлчов воситаларининг қиёсов ишлари ўтказилган. Унда бозор маъмуриятига қарашли 1240 тарозидан 873 таси, тадбиркорларга тегишли бўлган 1960 та тарозидан атиги 61 тасигина текширилган. Сабоби... қиёсов ишларини ўтказиш учун бозор маъмурияти метрология институтига хизмат учун тўлов амалга

ошириши керак. Бироқ айрим бозор маъмурияти хисобида маблағ етарли эмаслигини рўқач қилиб, мавжуд тарозиларни қиёсовдан ўтказмаган.

Масалан, «Аския» деҳқон бозоридagi 37 та тарози, «Чилонзор» деҳқон бозоридagi 20 та, «Қорақамиш» деҳқон бозоридagi 30 та ва йирим бозорларимиздан бири бўлмиш – «Қўйлиқ» деҳқон бозоридagi 239 та тарози қиёсовдан ўтказилмасдан фойдаланилмоқда.

«Авиасозлар» деҳқон бозоридagi 75 та тарозидан 34 таси «фойдаланишга яроқли» деб топилган бўлса, 41 таси «фойдаланишга яроқсиз» деб топилган. Метрология институти мутахассисининг айти-

Холис назар

шича, яроқсиз деб топилган тарозиларнинг аксарияти бузилган ва синганлиги боис, ўлчовда меъёридан ортиқ фарқлар кузатилади.

Мавзунини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, тарози ёки бошқа ўлчов асбоблари қиёсовга тақдим этилган ёки тақдим этилмагани юзасидан Давлат солиқ кўмитасининг тегишли бозорларда фаолият кўрсатаётган масъуллари чора кўриши, тарозиларнинг қиёсовга тақдим этилмагани учун масъулларни маъмурий жавобгарликка тортиш орқали вазиятни тўғрилаш ҳаракатини қилиши керак. Аммо Суннат Мўминхўжаевнинг таъкидлашича, охири пайтларда бу ишларга панжа орасидан қараш кузатишмоқда. Натижада, бозор маъмурияти мавжуд ўлчов асбобларини истаса, қиёсовдан ўтказиб, истамаса, ўтказмаслиги ҳолатлари юзага келяпти. Ҳолатнинг шу зайдда давом этиши эса харидорларнинг истемволчилик ҳуқуқлари поймол бўлишига, аҳолининг бозор хизматлари ва ишончсизлиги ошишига ва сотиб олинган маҳсулотларнинг массага нисбатан шубҳаланишига олиб келиши мумкин.

Бу ҳолатга мутасаддилар нима дер экан? Ахир кичик кўринган бу масаланинг тағдир аҳоли манфаати бор-ку! Ҳалқ манфаатини таъминлашдан эса улуг иш йўқ...

Зебо НАМАЗОВА, «ISHONCH»

Тадбир



«НАЗМ ВА НАВО» КЕЧАСИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси мўмтоз адабиётимиз тарихида ёрқин из қолдирган икки буюк бобокалонимиз – ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб «Назм ва наво» маърифий-бадий тадбирини ўтказди.

Тадбирда комбинат касаба уюшма кўмитаси раиси Аҳмаджон Узоқов, ғазал мулканининг султони, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўлмас адабий мероси, унинг халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтиришда тутган ўрни, баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига тўхталди. Шунингдек, Заҳириддин Бобур ижодининг ўзига хос қирралари тилга олинди. Буюкларимиз ижодини ўрга-

ниш ва тарғиб этиш, ёшлар онг-у шуурига сингдириш масалаларига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилганга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда Навоий ҳамда Бобур ғазаллари ва рубоифатини юксалтиришда тутган ўрни, баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига тўхталди. Шунингдек, Заҳириддин Бобур ижодининг ўзига хос қирралари тилга олинди. Буюкларимиз ижодини ўрга-

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

Бухоро вилояти

ҚАЛЪЛАРГА НАҚШ БИТГАН

Бухоро ёшлар марказида шеърят осмонининг сўнмас кўёши Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан «Қалъаларга нақш битган ҳазрат Навоий» деб номланган бадий кеча ташкил қилинди.

Тадбирда шоир сиймосига эҳтиром бажо келтирилиб, унинг меросига яна бир бор назар ташланди. Шеърят, мусика, рақс, театр соҳаларида иқтидори бор билимдон, қобилиятли, ижодкор ўқитувчилар Навоий ижоди борасидаги маҳоратларини намойиш этишди. Театрлаштирилган бадий

дастур адабиёт мухлислари қалбидa унутилмас хотира бўлиб муҳрланди. Тадбирнинг фаол иштирокчилари фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Барчиной КАРИМОВА, Бухоро шаҳридаги 39-сонли ИДУМ бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

Сирдарё вилояти

Ички туризм



СИРДАРЁ ХАРИТАСИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

Президентимиз Сирдарёга ташрифи чоғида қадимий Ховосепа ёдгорлиги, вилоятнинг тарихи ва маданияти акс этган топилмалар билан танишиб, тегишли тавсиялар берган эди.

«Ховосепа» МФЙ ҳудудида бунёд этилган Ҳасани Бузруквор зиёратгоҳи ва туман ўлкашунослик музейи Сирдарё харитасида янги саҳифа бўлди. Бу маскан бугун ҳар қачонгидан гавжум.

– Гапнинг очиги, вилоятда қарийб 2 минг 500 йиллик тарих, топилмалар борлигини кўпчилик, шу жумладан, вилоятликлар ҳам билмайди, – дейди Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов. – Бугунги ободончилик шарофати билан тарихимизни чуқурроқ ўрганиш имконияти яратилди. Буни касаба уюшма фаолларининг зиёрати ас-

носи янада теран ҳис этдики. Касаба уюшмалари вакиллари дастлаб музей фаолияти, бу ердаги маданий топилмалар, археологик қазилма ишлари, туман тарихига оид илк фотосуратлар, уй-рўзгор буюмлари билан танишди. Шундан сўнг қисқа фурсатда барпо этилган Ҳасани Бузруквор, Бобо Жобир зиёратгоҳи, уларнинг ўғиллари Саъд ва Саид номи билан аталуви масжид, Шербобо, Юсуф бобо, Хадича оча мақбараси зиёратидa бўлдилар.

Саёҳат барчада катта таассурот қолдирди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



# ОЛТИНСОЙЧА «ИННОВАЦИОН» ТАЪЛИМ

## ёхуд XXI асрдаги «эски мактаб»лар ҳақида ғамгин лавҳалар...

Олтинсой туманида 32800 нафардан ортиқ ўғил-қиз 68 та умумтаълим, битта мусиқа ва санъат, битта болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, шунингдек, «Баркамол авлод» болалар марказида таҳсил оллоқда. Уларга 3300 нафардан ортиқ ўқитувчи сабоқ бераётир. – Бир қатор мактабларимизда ўқувчилар 3 навбатда ўқишаётганидан кўз юмолмайман, – дейди Олтинсой тумани халқ таълими мудир Уткир Орипов. – Табиийки, бу илм масканларида шароитлар ҳам ачинарли. Таълим даргоҳларимиздаги муаммолар билан барча юқори турувчи идорага мурожаат қилиб келяпмиз. Аммо, ечим қийин кечмоқда. Айниқса, 10-, 42-, 45- ва 46- мактаблар абгор аҳволда...



### БИЗНИ КЕЧИР, БОЛАЖОН...

Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай мудир санаб ўтган мактабларга йўл олдик. «Карсаган» маҳалласидаги 10-умумтаълим мактаби аввалига бинойидек кўринди. Аммо...

– Мактабимизнинг мослаштирилган ўқув биноси 360 ўринли. Бироқ бугунги кунда 813 нафар ўқувчи таълим олади. 12 та бошланғич синфларимиз 3 навбатда ўқишмоқда. 21 та юқори синфлар 2 навбатда таҳсил олади. Бирорта фан кабинети, ўқитувчилар ва мониторинг хонаси, ҳаттоки, кўрғазмали ўқув қуролларини сақлаш учун ҳам хонамиз йўқ. Кутубхона эса... спорт залимизнинг ювиниш хонасига жойлаштирилган, – дейди Сайдали Қурбонов.

– 1994 йилдан буён мусиқа фанидан дарс бераман. Шу давр мобайнида ҳеч бир жиҳоз, яъни, рубоб, доира, ғижжак, каби чолғу асбоблари олмаганмиз. Умуман, мусиқа жиҳозларисиз дарс ўтиб келяпман, – дейди Бекмурод Холов.

– Айнан шу мактабда ўқиш камолга етдим. Илм даргоҳида 16 йил директор ўринбосари бўлиб ишладим. Аҳвол кўриб турганингиздек, ҳаминқадар. Қийин бўлса-да, мактаб раҳбарияти қўшни 10-15 километр олисдаги қишлоқлардан малякали ўқитувчиларни ишга чақириб, ўқувчиларни ўқитишпти. Ҳар кун тушлик муаммоси юзага кел-

лади. Оч-наҳор ҳеч ким чин кўнгилдан ишламайди. Шунинг учун мактабга ошхона қуриш керак, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Олтинсой тумани кенгаши раиси Акбарали Жумаев.

### «МАКТАБИМИЗГА АЧИНАМИЗ»

«Оқарбулоқ» маҳалласидаги 45-умумтаълим мактаби директори Малика Хидированинг ҳасратини эшитиб, «Наҳотки бу XXI аср мактаби бўлса?» деб таажжубда қолдик.

Мактабнинг мослаштирилган ўқув биноси, 1989 йили собиқ «Ленинград» номли ширкат хўжалиги бошқаруви қарори билан, 140 ўринли қилиб, бетон плиталардан қурилган. 6 та синфхона ва 2 та маъмурий хона, яъни директор ва ўқитувчилар хонасидан иборат. Йилдан-йилга аҳолининг ўсиши натижасида, ўқувчилар сони 317 нафардан ошиб кетган.

– 5 йилдан буён мактабга директорман. Ўғил-қизларни 2021 йилгача 3 навбатда ўқитиб келдик. Янги йилдан буён, ноилоҳидан анча йиллар олдин ҳашар йўли билан қурилган ошхонамизда 11-«Б», 2-«Б» ҳамда 6-«А» ва 4-«Б» синфларини ўқита бошладик. Ўқитувчиларимиз асосий ўқув биномизнинг кириш фойсидига бурчақдан, ҳамма томони очик жойни ўзлари учун хона қилиб

фойдаланишпти. Фан метод бирлашмалари, тўғараклар ҳужжатлари, ҳаттоки, синф журналлари ҳам залда туради. 43 нафар ўқитувчининг дарс конспектлари ва ишланмаларини ёзишлари учун стол-стул етишмайди. Энг ёмони, ошхона, деб қурилган биномиз абгор ҳолатда. Деворлари емирилиб кетган. Ҳадемай, баҳор бошланиши билан фермерларимиз ғалла-пахта суғоришса, орқа томондаги ариқ тўлиб-тошади. Сув биз синфхона деб фойдаланаётган буфет биносининг деворига тегиб оқади, – дейди мактаб директори.

– Мактабда ўқиш ва ўқитиш учун шарт-шароитлар йўқ, ҳисоби. Биргина физика, кимё-биология фанлари учун 2008 йили келтирилган лаборатория жиҳозлари муддатини ўтаб бўлган. Махсус стол-стуллар умуман келтирилмаган. 1 дона реакция ўтказадиган тумбочка мавжуд. Қиш кунларида қўлбола печкалардан фойдаланамиз. Шундай бўлса-да, хоналаримиз исимайди. Кутубхонамизнинг аҳоли ночор. Китобларимизни сақлайдиган тоқчаларга жой йўқ. Мутулаа зали ҳақида ўйламасак ҳам бўлади.

Бу масалани раҳбарларга айтиб келяпмиз. Бироқ, жўяли жавоб ололмаёпмиз. Ота-оналар ҳам фарзандлари келажакдан ташвишда. Мурғаккина болажонларимиз овул ошиб, йўл ҳатлаб, қаҳратон қиш, жазирама ёз кунлари қўшни қишлоқдаги мактабларга қатнашадими? Йўлнинг олислигидан баъзи болалар ўқишга бормади қўйшлари ҳам мумкин, – дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Рустам Мама-назаров.

Мактабдан қайтар чоғимизда, авария ҳолатидаги синфхонага айлантирилган ошхонада ўқиётган 6-«А» синф ўқувчилари йўлимизни тўсиб, шундай дейишди:

– Бизга янги мактаб ва спорт зали қачон қуриб берилади? Бошқа жойларда таълим олаётган тенгқур дўстларимизни телевизор орқали кўриб ҳавас қиламиз. Биз ҳам уларникидек шароитда ўқигимиз келад!


### 11 ЙИЛЛИК НОЛАЛАР...

Навбатдаги сафаримиз «Ботос» маҳалласидаги 46-умумтаълим мактаби бўлди. Мактаб директори туман марказига муҳим иш билан кетган экан. Ташрифимизни эшитиб оқиб келди ва куйиниб шуларни гапирди.

– Мактабимизда 237 нафар ўқувчи 1-11 синфларда ўқийди. Мослаштирилган ўқув биномизда 7 та синфхона бўлиб, биронтаси талабга жавоб бермайди. 16 та синф 3 навбатда ўқийди. Яқинда ўқув ишлари бўйича ўринбосаримизнинг 3x3 метр ҳажмдаги хонасига 4 та парта ва 10 та стул қўйиб, синфхонага айлантирдик. Хоналар 3x5, 4x5 метрли. Энг ачинарлиси, 2-«Б», 6-«Б» синфлар ўқийдиган хоналарнинг бўйи 5 метр, эни 2,5 метрдир. Ўқувчилар сони эса 20 нафардан ортиқ. Шу боис, баъзан 2 кифолик партада 4 нафар ўқувчи ўтиради...

– Мактабимизга 11 йилдан бери қўшимча ўқув биноси ва спорт зали қурилиши тўғрисида ёрдам сўраб, ҳеч бир амалий натижага эришолмаёпмиз, – дейди мактаб директори Рустам Қаршиев. – Қолаверса, синфхоналаримизнинг поли бетон. Устидаги қопланган ленолеум қирқ ямоқ. Жисмоний тарбия дарсларида фойдаланадиган волейбол, футбол коптоклари, спорт жиҳозларини фан ўқитувчиларимиз Жуманазар Холмўминов ва Нурмуҳаммад Нормуродов ўз ҳисобидан сотиб олишган. Физика, кимё-биология фанларидан лаборатория жиҳозлари мутлақо йўқ. Дарсларни амаллаб ўтапмиз.

Ҳа, Олтинсой тумани халқ таълими мудир Уткир Ориповнинг «уҳ» тортиб гапирганича бор экан. «Наҳотки, бугун Садриддин Айний тасвирлаган эски мактабни эслатувчи бундай даргоҳлар Олтинсойда шунчалар кўп бўлса?», деб ажабланышсизми? Ҳа, ҳа, ишонаверинг, кўрганларимизнинг бари рост. Ким билсин, Олтинсойча «инновацион таълим» деганлари эҳтимол шудир.



## НАЗОРАТ КЎРИГИ ДОИМО ЗАРУР

Яқинда шундай ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Йўлда кетаётган энгил машинадан тутун чиқа бошлади. Ҳайдовчи машинани тўхтади ва капотни очди. Бирдан тутун аралаш аланга кўтарилди. Ҳайдовчи машинадаги ўт ўчириш воситасида ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилди-ю, бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. Яхшики, ўт ўчириш хизмати ходимлари етиб келиб, ёнғинни бартараф этди. Аниқланишича, бу ҳолат симлардаги носозлик тўғрисида юзага келган.

Албатта, машина улов, кулайлик воситаси. Аммо унутмаслик керакки, у техника. Шу боис, уни эҳтиёт қилиш, техник қаровини мунтазам олиб бориш, энг муҳими, уни бошқариш жараёнида доимо ҳушёр бўлиш зарур. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, автомобилларда бўладиган ёнғинларнинг аксарияти электр симларининг носозлигидан келиб чиқади. Қолаверса, машинани ҳаракатлантирувчи асосий восита – ёнилғи. У эса салгина бепарволик оқибатида дарҳол ёниб кетиши мумкин. Шу боис, ҳайдовчига қўйиладиган талаблардан бири – автоуловда доимо ўт ўчириш воситалари бўлиши шарт. Бунга риоя қилмаслик нафақат йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш, балки ўзи ва мулкнинг қадрига етмаслик ҳамдир.

Хулоса шунки, ҳар бир ҳайдовчи автомашинасини махсус кўриқдан ўтказиб, электр ва ёнилғи тизимларини ўрнатилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарда ёнғин ўчиргичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидаларини мукамал билса, бундай офатларнинг олди олинган бўлар эди.

**Отабек АКРОМОВ,**  
ЎзМТРК Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, катта лейтенанти

**Эълон**  
МЧЖ шаклидаги «ASIA ALLIANCE GROUP» хоржий корхонаси (СТИР: 301581124) устав жамғармаси 7089457171,62 сўмдан 6773347171,62 сўмга камаяётганини маълум қилади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмити раиси **Ёқубжон НОРАЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



### Қорақалпоғистон Республикаси

Куз келиши билан Орол денгизининг суви сақланиб қолган қисмида, соҳил бўйлари гавжумлашади. Квадратликлардан изғиб юрган одамларни кўриб, ажабланмай иложингиз йўқ. Қуриётган денгизга 2015 йил сентябрда борганимда улар билан учрашган эдим. Улар «Орол денгизидан артемия овлаймиз» деганида ҳайрон қолганман: наҳотки, Оролда ҳали ҳам тирик жонзот бўлса? Ҳа, бор экан. Артемия. Бу миттигина жонзот нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижликларни ҳам ўзига мафтун қилган.

# ОРОЛ ДЕНГИЗИДА ОМОН ҚОЛГАН ЯГОНА ЖОНЗОТ

## ёхуд артемия ҳақида нималар биламиз?

**У ҚАНДАЙ ЖОНЗОТ?**  
Артемия – Орол денгизида омон қолган ягона зоопланктондир. Унинг биз билган ва билмаган хусусиятлари бисёр. Бўйи 15 мм. бўлиб, 1 ойдан 6 ойгача яшashi мумкин. Уртача 30 кун ичида тухум қўйиш қобилиятига эга бўлади.

**ҚАЧОН ОВЛАНАДИ?**  
Орол артемияларини овлаш 2000 йиллардан бошланди. Бу пайтлари Орол шарқий ва ғарбий қисмларга бўлингани билан ҳали ягона ҳавза эди. Артемияни ўзлаштиришнинг «иккинчи босқичи» 2009 йилда авж олди.

Олимларнинг таъкидлашича, артемия асосан сентябрь-март ойларида овланади. Аслида, артемиянинг ўзи эмас, унинг қўйган тухуми (циста) йиғиб олинади. Артемия тузлилик миқдори 10 граммдан 300 граммгача бўлган шўр сувда яшайди. Лекин, кўрсаткич 300 граммдан ортиб кетса, улар ҳам нобуд бўлади. Айни пайтда Орол денгизи сувиде тузлилик 180 граммни ташкил қилади. Бу артемия учун жуда кўлағ миқдор. Тузлилик миқдори 10 граммда ҳам яшай оладиган бўлса, унда нега уни бошқа денгиз ёки кўлларда йиғиш мумкин эмас,

деган савол туғилиши мумкин. Бунинг сабаби, денгизларда тузлилик миқдори 70 граммгача балиқлар яшashi мумкин. Артемия – балиқнинг озуқасидир. Орол денгизида барча балиқлар қирилиб кетгандан кейин артемиялар фаол ривожлана бошлаган.

Артемияларнинг ўзи эса ҳарорат +7 градусдан паства тушгандан кейин қирилиб кетади. Фақат уларнинг тухумлари яшаб қолади. Артемия тухумларини куз-қиш ойларида йиғиб олиниши сабаби – ана шу салқин-совуқ кунларда тухумнинг қобиғи табиий равишда қалин бўлади. Бу тухумларни қайта ишлаш, сақлаш мумкин. Битта артемия 15-150 донагача тухум қўяди. Бу, албатта, унинг озуқасига боғлиқ. Артемиялар асосан фитопланктонлар билан озиқланади.

**ЭКСПОРТБОП МАХСУЛОТ**  
Ҳозирги кунда Оролдан олинган артемия тухумлари Россия, Хитой, Вьетнам давлатларига экспорт қилинмоқда. Масалан, ушбу давлатларга 2018 йилда

568,6 тонна артемия тухумлари 1 миллион 807 минг АҚШ долларига, 2019 йилда 662 тоннаси 2 миллион 85 минг АҚШ долларига, 2020 йилда эса 2 минг 148 тоннаси 8 миллион 759 минг АҚШ долларига экспорт қилинган. Бу аввали йилларга нисбатан 4,2 баробарга кўп дегани.

1 кг. артемия цистасига рухсатнома олиш учун тўлов баҳоси 24 минг 500 сўм (2,3 доллар). Тадбиркорлар хорижга бир килосини 8-10 доллар атрофида пуллади, яъни 4-5 баробар қимматига сотади.

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси назорат инспекцияси бошлиғи Алишер Якубовнинг таъкидлашича, 2009 йилда Оролда артемия овлайдиган битта корхона фаолият юритган. 2018 йилда уларнинг сони 23 тага етди, 2020 йилда эса 40 та тадбиркор шуғулланди.

### Табиат ажойиботлари



### ҚАРОР ЛОЙИҲАСИГА «АНТИМОНОПОЛИЯ» НЕГА ҚАРШИ БЎЛДИ?

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида артемия цистасини овлаш ва қайта ишлашни самарали ташкил этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасига Монополияга қарши курашиш қўмитаси кескин қаршилик билдирди.

Лойиҳада «Орол артемия саноат» давлат унитар корхонасини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу корхона Орол денгизининг Ўзбекистон Республикасига тегишли барча қисмига эгалик қилиб, артемия тухумини фақат битта ўзи овлаши керак эди.

Ваҳоланки, Мўйноқ туманида артемия цисталарини овлаш, қуришти, қайта ишланган маҳсулот экспорти билан 40 та субъект шуғулланмоқда. Агар, ДУК ташкил қилинса, ушбу 40 та тадбиркорлик субъекти «синиб» кетиши аниқ эди. Шуларни ҳисобга олиб, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ДУК ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 июлда «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳокимлиги ҳузуринда «Орол артемия саноат» давлат унитар корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Лекин, унда алоҳида имтиёзлар йўқ, бу корхона ҳам бошқа хусусий фирмалар каби тенг ҳуқуқли бўлди.

**Есимхон ҚАНОАТОВ,**  
«ISHONCH»

